

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЖОНОВ АЗИЗЖОН БАБАХАНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА  
ХИЗМАТЛАРИ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**08.00.14 – “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари”**

**ИҚТИСОД ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Scinces**

**Бобожонов Азизжон Бабаханович**

Ўзбекистонда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини  
ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари.....3

**Бобожонов Азизжон Бабаханович**

Методические аспекты развития бизнеса информационных продуктов и  
услуг в Узбекистане .....28

**Bobojonov Azizjon Babakhanovich**

Methodical aspects of business development of information products and services  
in Uzbekistan.....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЖОНОВ АЗИЗЖОН БАБАХАНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА  
ХИЗМАТЛАРИ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**08.00.14 – “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари”**

**ИҚТИСОД ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Iqt72 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бегалов Баходир Абдусаломович**  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғуломов Саидахроп Саидахмедович**  
иқтисод фанлари доктори, профессор, академик

**Қўчқоров Тохир Сафарович**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Фан доктори илмий даражасини берувчи 27.06.2017.1.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (998 71) 239-28-72; Факс: (998 71) 233-60-01; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (998 71) 239-28-72; Факс: (998 71) 233-60-01; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» октябрь кuni тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю.Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Х.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, уларнинг иқтисодий ўсиши ахборот, билимлар ва интеллектуал потенциал ҳисобига амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар иқтисодий ўсишининг манбаи бўлиб ахборот маҳсулотлари ва хизматларини (АМХ) ишлаб чиқиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ҳисобланмоқда. Бу борадаги ислохотларни Ҳиндистон 40-50 йил аввал бошлаган ва 2015 йилда бу соҳадан олинган даромад 150 млрд. долларини ташкил этган<sup>1</sup>. Ушбу соҳага Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Финляндия каби мамлакатлар тажрибасида бошқаларга нисбатан 2 марта кўп сармоя сарфланиб, у, асосан, зарур қурилмалар, дастурий таъминот, телекоммуникация маҳсулотлари ва ахборот хизматлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Жаҳон банкининг 2015 йилдаги тадқиқотларига мувофиқ, биргина тезкор интернет-фойдаланувчилари сонини 10 %га ошириш орқали мамлакат ЯИМни 1,3-2 %, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни эса 1,2 % юксалтиришга эришиш мумкин<sup>2</sup>.

Сўнгги йилларида АМХ бизнесини босқичма-босқич ривожлантириш ва унинг инфратузилмасини яратиш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилди. 2016 йилда АМХ ва алоқа соҳасидаги инвестициялар 287,0 млн. доллар ва ишлаб чиқарилган дастурий маҳсулотлар 1728 тани ташкил қилган. 2017 йилда Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар аҳолининг 46 % ини, мобиль телефондан фойдаланувчилар 77,33 % ни ва уй хўжаликларининг компьютер билан таъминланганлик даражаси 43,87 % ни ташкил этмоқда<sup>3</sup>. Республикамиз ЯИМнинг 2 % га яқини ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳиссасига тўғри келган. Иқтисодийтимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамай, мамлакатимиз бу борада дастлабки босқичда тургани, АМХнинг янги турлари ривожланиши, уларни иқтисодийнинг турли соҳаларига жорий этилиши, хусусан, маҳаллий АМХни ишлаб чиқариш даражаси пастлиги ҳамда уларнинг инновацион турларини яратишда фан ва таълим соҳасидан етарлича фойдаланилмаётгани муаммо бўлиб қолмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»да «... иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига АКТни жорий этиш»<sup>4</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши АМХнинг инновацион турларини яратиш ва ушбу бизнесни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

<sup>1</sup> <http://www.nasscom.in/indian-itbpo-industry> - Ҳиндистоннинг АКТ бўйича агентлиги веб-сайти.

<sup>2</sup> Minges M. Exploring the relationship between broadband and economic growth. WDR. 2015.

<sup>3</sup> Ҳалқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотлари (ITU) - [www.itu.int](http://www.itu.int)

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони.//Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

Жаҳон амалиётида АКТ соҳасида дунёнинг йирик илмий тадқиқот институтлари (ITU, Gartner Research, ICD, ЖБ infoDev дастури, UNESCAP) томонидан рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориш жараёнлари, иқтисодий тараққиёт ва АКТ истеъмол индекси, билимлар ва инновациялар таъсирини ўлчаш, АМХнинг самардорлиги йўналишларида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда эса АКТга қилинадиган инвестициялар самардорлиги, электрон ҳукумат, электрон тижорат, ахборотлашган жамият, АМХнинг инновацион турларини яратиш, унинг иқтисодиётга таъсири каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан мамлакатимизда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантиришнинг услубий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-1989-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида телеком-муникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида АКТ ва тизимларини қўллаш муаммолари, фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ва статистик таҳлил қилиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ахборот-коммуникация технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этишнинг илмий-амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар илмий ишларида кенг тадқиқ этилган. Улардан М.Бандерман, Ж.Румбауф, А.В.Шиер, У.М.Файйад, М.Хаммер, О.Виллиамсон, Ф.Махлуп, П.Драkker, Д.Белл, К.С.Лаудон, Р.М.Стайр, А.Тоффлер, К.Эрроу<sup>5</sup> ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиш ўтиш мумкин.

---

<sup>5</sup> Kenneth C. Laudon, Jane P. Laudon. Management in information systems. Organization and Technology. New York. 2017. – 815 p. Drucker, P., Innovation and entrepreneurship. Routledge. Oxford, 2014.- 366 p.; Bandermann M. Information technology in Europe: The EC Communication's View It European Information Tecnology Observatory 1994. – Mainz; Rumbaugh J. Object-Oriented Modeling and Disign. - Prentice-Hall, Inc., Scheer A.W. Business Process Engineering: Reference Models for Industrial Enterprises.-1995.Press. Menio Park,

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан И.С.Аглицкий, А.Н.Романов, А.В.Хорошилов, В.П.Тихомиров, И.И.Радионон, С.И.Майоров, Г.А.Титоренко, С.А.Охрименко, Р.М.Нижегородцев, Т.М.Полякова, В.М.Тарасевич, Ю.Н. Чернышов, С.Ю.Савиновнинг<sup>6</sup> ишларида АКТдан фойдаланишнинг назарий, услубий асослари ва ахборотлар маркетинги масалалари кўпроқ ўрин олган.

Ўзбекистонда АКТни миллий иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш, ахборот жараёнларини эконометрик моделлаштириш ҳамда АМХ соҳасининг турли муаммолари устида мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов, Р.Х.Алимов, Қ.А.Алимов, А.Н.Арипов, А.Абдугаффаров, А.Т.Кенжабаев, М.Арипов, А.Абдувахидов, Д.М.Расулев, И.Е.Жуковская, А.А.Мусалиев<sup>7</sup> томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологияларини иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига татбиқ этиш жараёнларига асосий эътибор қаратилган.

Аммо, ушбу тадқиқотларда АМХ бизнесини комплекс ривожлантириш усуллари ва унинг самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик моделлари кўриб чиқилмаган. Шу билан бирга АМХ бизнесини ривожланишни таҳлил қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва нархлашни эконометрик моделлар асосида йўлга қўйиш масалалари етарлича тўлиқ ўрганилмаган. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида АМХ

---

1996; Fayyad U.M., Piatetsky-Shapiro G, Smyth P.. From Data Mining to Knowledge Discovery: An Overview. *Advances in Knowledge Discovery and Data Mining*; Hammer M., Champy J. *Reengineering the Corporation. A Manifesto for Business Revolution*. HarperBusiness, 1993; Williamson O. *The Economic Institutions of Capitalism. Firms, Markets, Relation Contracting*. N.Y., L., 1985; Ralph M. Stair. *Principles of information system. A Managerial Approach*. Second Edition. 1996. – 656 p; Bell, D., 1976, May. The coming of the post-industrial society. In *The Educational Forum* (Vol. 40, No. 4, pp. 574-579). Taylor & Francis Group.

<sup>6</sup>Аглицкий И.С. Рыночная цена на программный продукт// Программные продукты и системы. -2007,- №4. -с.57-58. Тихомиров В.П., Хорошилов А.В. Введение в информационный бизнес. М.:Финансы и статистика, 2003. - 240 с. Майоров С.И. Информационный бизнес: коммерческое распространение и маркетинг. - М: Финансы и статистика, 2013.-128 с. Титоренко Г.А. Информационные технологии управления. – 2-е изд. дополн. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 456 с. Охрименко С.А. Современные подходы к становлению информационного бизнеса. - М.: -2005, -№ 9.-С. 32-35. Тарасевич В.М. Экономико-математические методы и модели в ценообразовании: Учебник, ч.1,2. –Л.: Изд-во ЛФЭИ, 1991.- 180 с. Чернышов Ю.Н. Информационные технологии в экономике. Уч. пособие для вузов. – М.: Изд-во Выс-я школа, 2008. – 240 с.; Савинов С.Ю., Экономические проблемы торговли информационными продуктами в США: Автореф. на соиск. учен. степ, канд. экон. наук: Московский государственный университет. М. 2014, - 22с.

<sup>7</sup> Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарлик. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 722 б.; Ходиев Б.Ю., Бегалов Б.А. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: /Шарк/, 2010. – 703 б.; Расулев Д.М., Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш: дис. Автореф.... и.ф.д. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 40 б.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш: дис. Автореф.... и.ф.д. – Т.: ТДИУ, 2001. – 36 б.; Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю., Алимов Қ.А. ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. / С.С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарк, 2004. – 320 б.; Арипов А.Н., Иминов Т.К.. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 300 б.; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. икт.фан.док. Дис..... – Т.: ТДИУ, 2005. – 321 б.; Бекмуродов А.Б., Мусалиев А.А. Информационный бизнес. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 288 с.

бизнесини комплекс таҳлил қилиш, улардан олинадиган ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш ҳамда Интернетда ушбу бизнесни шакллантириш, уларнинг нархи ва сифатини эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилиш тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ «ФМ-9. Миллий иқтисодиётни турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникация технологияларни самарали тадбиқ этишнинг назарияси ва амалиёти» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлиб республикамизда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бозор нархини белгилаш жараёнларига эконометрик моделларни тадбиқ этиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ривожланган мамлакатлар инновацион иқтисодиёти шаклланиши ва ахборотлашган жамият барпо этиш жараёнларига АМХ бизнесининг таъсирини таҳлил қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини юритиш усуллари ва республикамизда унинг шаклланиши ҳамда ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

компаниялар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари таъсирини баҳолаш усуллари тадқиқ этиш;

глобал рақобат шароитида АМХ компанияларининг фаолият юритиш тизими ва ахборот-коммуникациялар бозорини ривожлантириш жараёнида уларнинг тутган ўрнини белгилаб бериш;

ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозор нархини эконометрик моделларни тадбиқ этиш асосида оптимал белгилаш;

ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг талаб ва таклифини шакллантириш жараёнларини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилиш;

ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда АМХни сотишдан тушадиган фойдани максималлаштириш йўллари таклиф этиш;

Интернетда ахборот бизнеси компанияларининг ахборот маҳсулотлари ва хизматлари тижоратини ривожлантиришда уларнинг сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш ёндашувини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб турли хилдаги ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, ахборот хизматларини кўрсатувчи ва АКТ соҳасида хизмат қилаётган компаниялар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ахборот маҳсулотлари ва хизматларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга оптимал нархларда етказиб бериш жараёнлари ҳисобланади.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида эконометрик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, сўровнома усуллари, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси методларидан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши жараёнида ахборот маҳсулотлари ва хизматлари индустриясини инфратузилма, электрон таълим, булутли технологиялар, аутсорсинг, электрон тижорат асосида ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

компаниялар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг бевосита таъсирини Кобб-Дуглас модели асосида ишлаб чиқариш ҳажми, сарфланган вақт, ишлаб чиқариш даражаси, АМХга киритилган инвестиция, меҳнат харажатлари каби омилларни қамраб олган ҳолда баҳолаш ёндашуви такомиллаштирилган;

ахборот маҳсулотлари ва хизматлари нархларини ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот сифати, уларнинг бозордаги улуши, рентабеллиги, кутилаётган сотув ҳажми каби омиллар асосида оптимал белгилаш ёндашуви таклиф қилинган;

ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг сифатига истеъмолчилар томонидан қўйиладиган талаблар (функционаллик, унумдорлик, фойдаланиш қулайлиги, объективлик, шаффофлик, аниқлилик, ишончлилик, мослашувчанлик) ва ташқи ҳамда ички таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда сифатини баҳолаш таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган ва уларни таснифлаш усули таклиф қилинган;

бозор муносабатлари шароитида ахборот бизнеси компаниялари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг ривожланишига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар очиб берилган;

компаниянинг ахборот бизнеси фаолияти жараёнлари ва уни Интернет-маркетинг воситалари асосида такомиллаштириш бўйича янги услубий ёндашувлар шакллантирилган;

турли бозор шароитларида ахборот бизнеси компанияларининг ахборот маҳсулотлари ва хизматларини сотишдан олинadиган фойдани максималлаштириш усуллари таклиф қилинган;

ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг нархини белгилаш бўйича “Оптимал” дастурий маҳсулоти лойиҳалаштирилган, ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, ахборотлаштирилган жамиятни барпо этиш ҳамда АМХни лойихалаштириш, АМХни ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланадиган миллий иқтисодиёт таркибида макро ва микро даражада тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш муаммоларини ҳал этиш ва уни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотида олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ахборотларни тарқатиш, халқаро ахборот алмашув ва жамоатчилик алоқалари” бошқармаси фаолиятини ташкил қилиш амалиётида статистик ахборотлар тайёрлаш ва уларни истъемолчиларга тақдим қилишнинг замонавий усуллари, халқаро молия институтларининг маълумотлар базаларига иқтисодий-статистик кўрсаткичларни киритиб бориш механизмлари, тижорат асосида статистик маълумотларни сотишда уларнинг нархини белгилашнинг эконометрик моделлари, Интернетда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини шакллантириш ва уларнинг маркетингини юритиш тамойиллари сингари тавсия ва таклифлардан фойдаланилганлиги, шунингдек “БиПро Норма” компаниясининг АМХни сифат кўрсаткичларини баҳолашда қўлланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши жараёнида АМХ индустриясини инфратузилма, электрон таълим, булутли технологиялар, аутсорсинг, электрон тижорат асосида ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ахборотларни тарқатиш, халқаро ахборот алмашув ва жамоатчилик алоқалари” бошқармаси фаолиятини ташкил қилиш амалиётида фойдаланилди. (Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги №01/3-01-19/2-1094-сонли маълумотномаси). Натижада АМХ ишлаб чиқариш жараёнлари, уларни маҳаллий ва жорижлик истъемолчиларга сотиш жараёнлари такомиллаштирилган ҳамда янги ахборот маҳсулотларини тақдим этишда таклифлардан фойдаланилган;

компаниялар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг бевосита таъсирини Кобб-Дуглас модели асосида ишлаб чиқариш ҳажми, сарфланган вақт, ишлаб чиқариш даражаси, АМХга киритилган инвестиция, меҳнат харажатлари каби омилларни қамраб олган ҳолда баҳолашнинг такомиллаштирилган ёндашуви Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ахборотларни тарқатиш, халқаро ахборот алмашув ва жамоатчилик алоқалари” бошқармаси фаолиятига жорий этилган. (Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги №01/3-01-19/2-1094-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқиладиган ахборот маҳсулотлари ва хизматларига сарфланадиган харажатларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўрганилган. Меҳнат харажатлари 17 % га қисқартирилиб, техник воситаларига харажатлар 24 % га оширилган.

ахборот маҳсулотлари ва хизматлари нархларини ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот сифати, уларнинг бозордаги улуши, рентабеллиги, кутилаётган сотув ҳажми каби омиллар асосида оптимал белгилаш ёндашуви бўйича таклифлари Давлат статистика қўмитаси “Ахборотларни тарқатиш, халқаро ахборот алмашув ва жамоатчилик алоқалари” бошқармаси фаолиятига жорий этилган. (Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги №01/3-01-19/2-1094-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этиш натижасида АМХнинг реал ҳаридорлари ва уларнинг эҳтиёжларини ўрганишга эришилган. АМХни сотиш ҳажми 27 % ва унинг географияси 4 баробарга кўпайган;

ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг сифатига истеъмолчилар томонидан қўйиладиган талаблар (функционаллик, унумдорлик, фойдаланиш қулайлиги, объективлик, шаффофлик, аниқлилик, ишончлилик, мослашувчанлик) ва ташқи ҳамда ички таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда сифатини баҳолаш бўйича таклифлари БиПро Норма компанияси фаолиятига жорий этилган. (“Веро Norma” компаниясининг 2017 йил 25 сентябрдаги 113-сонли маълумотномаси). Натижада БиПро Норма компанияси таклиф этаётган АМХнинг сифатини баҳолаш йўлга қўйилиб, Интернет орқали маркетинг юритиш йўналишлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш, жумладан, маҳаллий журналларда 8 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза тезиси нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг умумий ҳажми 153 бет бўлиб, унда 28 та жадвал, 30 та расм ва иловалар киритилган. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация биринчи боби «Ривожланган давлатлар миллий иқтисодиётида ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесининг тутган ўрнининг таҳлили» деб номланиб, унда ривожланган давлатлар инновацион иқтисодиётида АМХ бизнесининг тутган ўрни, АМХнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда таснифланиши, Ўзбекистонда АМХ бизнесини ривожлантириш тенденциялари ва мавжуд муаммолар каби масалалар батафсил тадқиқ қилинган.

XXI асрга келиб, ривожланган мамлакатлар миллий иқтисодиётида янги сектор шакллана бошлади ва у ўз таркибига компьютер ишлаб чиқариш, электрон ва коммуникация воситалари, дастурий маҳсулотлар, ахборот хизматларини кўрсатиш сингари соҳаларни қамраб олмоқда. Буларнинг барчаси биргаликда ахборот индустриясини вужудга келтирди.

Ривожланган давлатларнинг тажрибаси кўрсатмоқдаки, уларнинг дунёдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеини, авваломбор, интеллектуал бойлиги таъминламоқда, яъни миллий иқтисодиёти билимларга асосланиб тараққий этмоқда. АКТ бугунги кунда кўплаб илғор мамлакатлар миллий иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаси ҳисобланмоқда. Айниқса, АМХ яратиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш саноати жуда тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Хусусан, жаҳон дастурий маҳсулотлар бозорининг йиллик ўсиш суръатлари турли баҳоларга кўра, 10 % дан 20 %гача бўлаётганлигини кўрсатмоқда<sup>8</sup>.

Америкалик олим Ф. Махлуп ўз тадқиқотларида ахборотлашган иқтисодиётнинг асосини АМХ ва билимлар ташкил қилиши, маълумотларни қайта ишлаш ахборот яратилишига, ахборотни қайта ишлаш натижалари эса АМХ ва билимлар яратилишига олиб келишини баён этган<sup>9</sup>.

Йирик олим В.П. Тихомировнинг фикрича, ахбороти маҳсулоти иқтисодий категория сифатида турли ташувчиларда тўпланган ва белгиланган аниқ ахборотларни жисмоний, юридик шахслар ва иқтисодий субъектлар ўртаси-даги ишлаб чиқариш, яратиш, алмашиш ва истеъмол қилиш муносабатини тавсифлайди<sup>10</sup>.

Кўплаб илмий тадқиқотларда ахборот маҳсулотлари ва ахборот хизматлари тушунчаларининг фарқи иқтисодий категория сифатида етарли даражада тўлиқ ва аниқ изоҳлаб берилмаган. Масалан, С.А. Аверьянова ва И.С. Пилконинг диссертация иши тадқиқотларида ҳамда М.Я. Дворкинанинг монографиясида юқоридаги тушунчанинг мазмуни қисқача баён этилган ва муҳим қисмлари эса тўлиқ кўрсатилмаган<sup>11</sup>. Россиялик олим Б.Н. Чернышевнинг фикрича АМХ бир-бирини тўлдирувчи атамалар бўлиб, ахборот маҳсулотлари ахборотларга бўлган талабни қондириш ва истеъмолчиларга тугалланган ҳолда тақдим этиш бўлса, ахборот хизматлари эса ахборотни

<sup>8</sup> Индустрия экспорта программного обеспечения в Узбекистане 2007. -Т.: ПРООН «Проект ICTP»

<sup>9</sup> Machlup F. The production and distribution of knowledge in the United States (Vol. 278). Princeton university press. 1962.


<sup>10</sup> Тихомиров В.П. Зачем рынку информационные технологии? /Новинки техники. - 1991. - №1. - С. 17.

<sup>11</sup> Аверьянова С.А., Пилко И.С. Информационные и библиотечные технологии. Профессия. 2006., Дворкина М.Я. Информационное обслуживание: социокультурный подход. – М.: Профиздат. 2001.

етказиб бериш ва тақдим этиш билан боғлиқ хизматларда ўз ифодасини топади<sup>12</sup>.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, АМХ бизнесининг ривожланиши кўп жihatдан иқтисодий ўсишни таъминлаб беради. Шунинг учун ҳам ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда АМХ бизнесини ривожлантириш, АМХ янги турларини яратишга интиломқдалар. Бу эса ўз навбатида, ахборотлашган жамият таркиб топишига хизмат қилади.

Тадқиқотларимиз дунёда ахборотлашган жамиятнинг ривожланишини миқдорий ўлчашга қаратилган турли тадқиқот ва тажрибалар олиб борилаётганини кўрсатмоқда. Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига асосан АКТнинг жамланган кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон 4,05 рейтинг билан 175 давлат орасида 110-ўринни эгаллаган. Мамлакатимизда олиб борилаётган кўплаб ислохотларга қарамай, Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичи МДХнинг 8 та давлати орасидан фақатгини Қирғизистондан яхшироқ кўрсаткичга эга бўлиб, МДХ мамлакатлари ўртачасидан паст бўлиб қолмоқда. Жумладан, Беларусия – 31, Россия – 38, Қозоғистон – 52, Озарбайжон – 58, Молдова – 68, Арманистон – 71, Грузия – 72, Украина – 76 ва Қирғизистон – 113 ўриндан жой олган (1-расм).



**1-расм. 2016 йилда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси кўрсаткичлари<sup>13</sup>**

Тадқиқотимизда компаниялар фаолиятига АМХдан фойдаланишнинг натижасини, яъни вақт, унга киритилган инвестиция, сарфланган меҳнат сингари омиллар асосида ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган. Компания фаолиятига АКТнинг таъсирини комплекс ўлчаш учун дастлаб унга АКТ шаклида киритиладиган капитал қўйилмалар ёки инвестициялар, меҳнат

<sup>12</sup> Чернышев Б.Н. Сервисный менеджмент: теория, методология, практика: дис. автореф.. и.ф.д / Б. Н. Чернышев; Рос. экон. акад. им. Г. В. Плеханова. — М., 2005. — 37 с.

<sup>13</sup> ITU-www.itu.int, Report 2016 on Measuring Information Society

ресурларининг АКТ соҳасидаги билим ва кўникмалари каби омилларга ажратиш керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланиб, меҳнатни икки турга (АКТ соҳасида юқори тажрибага эга бўлганлар ва тажрибага эга бўлмаганлар меҳнати) ва тўрт турдаги инвестиция, яъни умумий (АМХни ҳисобга олмаган ҳолатда), АКТ курулмалари, дастурий таъминот ва ахборот хизматларини ишлаб чиқишга сарфланган инвестицияларга ажратишни таклиф қиламиз:

$$Y_{iv} = F(A_{iv}, I_{iv}, IH_{iv}, IS_{iv}, IX_{iv}, L_{iv}, Lakt_{iv}) = A_{iv} I_{iv}^{a_1} IH_{iv}^{a_2} IS_{iv}^{a_3} IX_{iv}^{a_4} L_{iv}^{a_5} Lakt_{iv}^{a_6}, \quad (2)$$

бу ерда:  $Y_{iv}$  –  $i$  компаниянинг  $v$  вақт мобайнида умумий ишлаб чиқариш ҳажми,  $A_{iv}$  – технологик ривожланиш даражаси,  $I_{iv}$  – инвестиция ҳажми (АМХни ҳисобга олмаган ҳолатда),  $IH_{iv}$  – техник воситаларга киритилган инвестиция,  $IS_{iv}$  – дастурий таъминотга киритилган инвестиция,  $IX_{iv}$  – ахборот хизматларини ишлаб чиқишга киритилган инвестиция,  $L_{iv}$  – инсон/соат ҳисобида меҳнат харажатлари (АКТ тажрибасига эга бўлганлардан ташқари) ва  $Lakt_{iv}$  – АКТ соҳасида юқори тажрибага эга бўлганлар меҳнат харажатлари,  $a_1, a_2, a_3, a_4, a_5, a_6$  – меҳнат ва инвестиция ҳажми эластиклик кўрсаткичлари.

Ушбу функцияни соддалаштириш учун (2) нинг ҳар икки томонларини логарифмлаб, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$y_{iv} = \beta_0 + a_1 i_{iv} + a_2 ih_{iv} + a_3 is_{iv} + a_4 ix_{iv} + a_5 l_{iv} + a_6 lakt_{iv} + \beta_1 X_{iv} + z_i + \delta_{iv}, \quad (3)$$

бу ерда кичик ҳарфлар тегишли ўзгарувчиларнинг логарифмланганлигини ифодалайди, технологик ривожланиш даражасини эса қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\ln(A_{iv}) = \beta_0 + \beta_1 X_{iv} + z_i + \delta_{iv}, \quad (4)$$

бу ерда  $X_{iv}$  – компаниянинг турли хусусиятлари вектори (компания ёши, жойлашган жойи, тегишли саноат соҳаси ва ҳ.к.),  $\beta_1$  – тегишли коэффициентларга эга вектор,  $z_i$  – самарадорликга таъсир қилувчи компаниянинг турли хил кузатиб бўлмайдиган ўзгарувчан хусусиятлари (бошқарув тизими, ташкилий тузилмаси ва ҳоказо) ва  $\delta_{iv}$  – ўлчов хатолари, қутилмаган самарадорликка таъсир қилувчи кўрсаткич.

Ахборот маҳсулоти ва хизматларининг ўзига хос хусусиятлари шу билан ифодаланадики, ахборот ресурслари ахборот маҳсулотларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай ахборот маҳсулоти уни ишлаб чиқарувчининг ахборот моделини ифодалайди ва унинг аниқ предмет соҳаси тўғрисидаги тасаввурларини акс эттиради.

Фикримизча, *ахборот маҳсулоти* - буюм ёки буюм бўлмаган шаклда кейинчалик тарқатиш учун уларни ишлаб чиқарувчи томонидан шакллантирилган, алгоритмлаштирилган, тизимланган, дастурланган билан маълумотлар тўплами ҳисобланади.

*Ахборот хизмати* эса ахборот маҳсулотларидан кўп марта фойдаланиш имконини берувчи материал шаклига эга бўлмаган кўринишдаги хизматдир.

Ахборот маҳсулотларининг бошқа маҳсулотлардан тубдан фарқ этувчи асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- истеъмол пайтида ахборот жисмонан йўқолмайди, балки ундан кўп марта фойдаланиш мумкин;

- ахборот маҳсулоти вақт ўтиши билан ўзига хос “маънавий эскириш”га учрайди. Ахборот истеъмол пайтида эскирмаса-да, аммо ундаги билимлар ўз долзарблигини йўқотиб бориши билан, ўз қийматини йўқотиши мумкин;

- ахборотни ишлаб чиқиш моддий товарларни ишлаб чиқаришдан фарқли равишда кўпайтириш учун харажатларни камроқ талаб қилади. Бирор-бир АМХ нусхасини олиш уни ишлаб чиқишдан анча арзонга тушади;

- ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозори мавжуд ва потенциал харидорларнинг маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини тегишли сифат ва миқдорий тавсифлари билан шакллантиради. Товар истеъмолчилари ҳам ташкилотлар, ҳам хусусий шахслар бўлиши мумкин.

Тадқиқотимизда АМХ турларининг таснифланиши усули ишлаб чиқилди, унга кўра хужжатлар бўйича АМХ, кутубхона хизматларини кўрсатишда фойдаланилувчи АМХ, фактографик хизмат кўрсатишда фойдаланилувчи АМХ, ахборот тадқиқотларини олиб боришда фойдаланилувчи АМХ, комплекс ахборот хизматлари, маслаҳат хизматлари, бизнесга йўналтирилган АМХ ва қўшимча хизматлар асосида таснифлаш таклиф этилди. Бунда уларнинг шакли(қоғоз, электрон), фойдаланиши соҳасига кўра, хизмат кўрсатиш усули (интернет орқали, телефон, локал тармоқ, корпоратив) ҳисобга олинди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда АМХ бизнеси жадал суръатлар билан ривожланиши кузатилмоқда, жумладан 2005 йилда ахборот маҳсулотлари ва хизматларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи компаниялар сони қарийб 100 тани ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, улар 312 тага етгани юқори ўсиш суръатларини кўрсатади. 2017 йилда 373 дастурий маҳсулот, компьютерлар учун 312 дастур ва 61 маълумотлар базаси рўйхатга олинган<sup>14</sup>. Компьютер дастурлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ хизматлар эса 2012 йилда 93.818.3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, бу кўрсаткич 189240.8 млн. сўмга етди. Бу ўсиш кўрсаткичлари 2012 йилга нисбатан 2 баровардан ортиқни ташкил қилмоқда (2-расм).

Тадқиқотимиз натижаларига кўра маҳаллий ахборот маҳсулотлари ва хизматларини соҳалар кесимида қуйидаги гуруҳларга ажратиш керак деб ҳисоблаймиз:

мобиль иловалар;

электрон тўлов тизимлари (Uzcard, Payme, Click ва бошқалар);


электрон хужжат ва хат алмашуви тизимлари (GERMES, E-Hujjat, E-XAT, IS-DocFlow ва бошқалар);

булутли технологияларга асосланган дастурлар(FileCloud.uz, Dump.uz);

---

<sup>14</sup>[www.data.gov.uz](http://www.data.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали.

банк тизимларини автоматлаштириш ва электрон тўлов дастурлари (ИБС Smart-Bank, АС ЭПН, ИАБС ва ҳкз);  
 бизнес бошқаруви учун дастурлар (BusinessCore);  
 бухгалтерия ҳамда ва масофавий ҳисобот учун дастурлар (1UZ, UZTO, БЭМ, E-Report, E-Stat);  
 меъерий-ҳуқуқий маълумотлар базаси (Norma, Право, Lex.uz)  
 ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизимлар (Himfayl, Калитларни рўйхатга олиш маркази, криптопровайдер ва ҳкз);  
 операцион тизимлар (Dorrix).



**2-расм. Ўзбекистонда компьютер дастурларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хизматлар ҳажми (млн. сўм)<sup>15</sup>**

Ички бозорда АМХ бизнесининг ривожланиши Ўзбекистон компанияларининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади. Ҳозирда Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган АМХни ишлаб чиқиш бозори хали шаклланиш босқичидадир. Ўзбекистонлик айрим дастурчилар халқаро аутсорсинг лойиҳаларида ижобий натижалар билан ишлаётган бўлса-да, Ўзбекистондаги ишлаб чиқувчиларнинг глобал бозорда янада фаол иштирок этишларига тўсиқ бўлаётган муайян объектив муаммолар мавжуд.

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, АМХ бизнесини ривожлантириш билан боғлиқ мамлакатимиз олдида турган энг муҳим муаммоларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ахборот маҳсулотлари ва хизматлар бозорида муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масалалари, бу борада меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш; ёш дастурчиларни тайёрлаш, иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларни қўллаб-қувватлаш; ушбу соҳада фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш; мамлакатимизда ахборотлаштириш, АМХ

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



индустриясини янада ривожлантиришга инвестицияларни кенг жалб этиш; маҳаллий бозорни ривожлантириш; чет эл компанияларини кенг жалб қилиш.

Иккинчи боб «Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари нархни шакллантириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш» деб номланиб, унда АМХ нархини белгилашнинг мавжуд моделлари таҳлили ва уларни шакллантиришнинг асосий тамойиллари, компанияларнинг АМХга бўлган талаб ва таклифини шакллантириш жараёнларини моделлаштириш, АМХ нархини шакллантириш моделларини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилган.

Тадқиқотимизда таклиф қилинган модель АМХ бозорида талаб ва таклифларнинг баланслашган нисбати асосида ишлаб чиқилган. Унда таклифга талабдан ташқари АМХ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг нарх, хизмат сифати, истеъмолчи менталитети, компания тажрибаси, технология, маркетинг, инфратузилма тўғридан-тўғри таъсир қилса, давлат кўмаги ҳам таклифни, ҳам талабни рағбатлантиради. Талабни шакллантиришда эса турмуш даражасининг ўсиши, истеъмол анъанаси, истеъмолчи менталитети, ишчанлик фаоллиги ўсиши, инфратузилма мавжудлиги, ҳаёт фаоллиги даражаси ва бошқа ўзаро боғлиқ омиллар таъсири юқори ҳисобланмоқда. Уларни қуйидаги моделлар (5-6) асосида кўришимиз мумкин.

$$D_b = f(N_{amx}, X_s, I_m, K_t, A, M, R_{inf}, D_k), \quad (5)$$

бу ерда:  $D_b$ - бозордаги талаб,  $N_{amx}$ - нарх,  $X_s$  - хизмат сифати,  $I_m$ - истеъмолчи менталитети,  $K_t$ -компания тажрибаси,  $A$  - технология,  $M$  - маркетинг,  $R_{inf}$  инфратузилма,  $D_k$  - давлат кўмаги.

$$S_k = f(O_{at}, S_a, D_b, I_m, A_i, F_x, M), \quad (6)$$

бу ерда:  $S_k$ -бозордаги таклиф,  $O_{at}$ - турмуш даражасининг ўсиши,  $S_a$  - истеъмол анъанаси,  $D_b$  - ишчанлик фаоллиги ўсиши,  $I_m$ - истеъмолчи менталитети,  $A_i$ - инфратузилма мавжудлиги,  $F_x$ - ҳаёт фаоллиги,  $M$  - маркетинг.

Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ҳам АМХга нархни белгилашда турли омилларнинг умумлашганлиги, улар орасидан бирламчи ва иккиламчилари, дастлабки ва ҳосилавийларини аниқлаш етарли даражада ишлаб чиқилмагани жиддий услубий муаммо саналади. Нархни белгилашнинг бир ёки бир нечта усулини танлаш турли сабабларга кўра амалга оширилади ва у корхона АМХ ишлаб чиқарувчининг нарх сиёсатига қилинган таъсирини кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ.

Бир қатор олимларнинг М.Портер, В.Миллар, В.Чанг, С.И.Майоров, С.А.Охрименко ишларида нархни талаб, АМХ истеъмол хусусиятлари, шунингдек, ундан фойдаланиш самараси асосида белгилаш таклиф этилади<sup>16</sup>.

<sup>16</sup> Chang W-L. and Yuan S-T. An overview of information goods pricing, Int. J. Electronic Business, Vol. 5, No. 3, pp.294–314, 2007; Porter M.E. and Millar V.E. How information gives you competitive advantage. 1985. Майоров С.И. Информационный бизнес: коммерческое распространение и маркетинг. - М.: Финансы и статистика, 1993.; Охрименко С.А. Современные подходы к становлению информационного бизнеса // Автоматизация и современные технологии. -1994, -№ 9.-С. 32-35.

Юқорида кўриб чиқилган тадқиқотлар таҳлили кўрсатмоқдаки, уларда АМХга нарх шакллантириш моделини яратиш муаммоси ҳал этилмаган. Фикримизча, бундай модель асосини қуйидагилар ташкил этиши лозим: АМХ нархини шакллантириш учун жуда муҳим ҳисоб-китоблар, омилларнинг илмий асосланган ва амалда қўллаш мумкин бўлган услуби; қарорлар қабул қилувчи шахс томонидан талаб қилинган вақтида тўлиқ ва ишончли маълумотлар олишни таъминловчи АМХнинг таянч нархини шакллантириш усуллари; математик аппарат ташқи, ички, ижтимоий-психологик ва бошқа омиллар ўзгаришига тез мослашувчан бўлиши керак; бозордаги рақобатга ташқи аралашувнинг таъсири. Буни айниқса, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида кузатиш мумкин.

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари нархининг оптимал даражасини таҳлил қилиш учун унинг турли бозор шароитларида ўрганиш талаб этилади. Нархнинг оптимал даражасини умумий кўринишда ривожланмаган рақобат шароитида фирма мувозанатини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган эконометрик моделлар ёрдамида топиш мумкин.

Ахборот маҳсулотлари нархини шакллантиришнинг алгоритми 3-расмда келтирилган. Унинг юқори қисмида бозорда ўрин эгаллаш учун келтирилган чекловларга мувофиқ, олдиндан белгиланган нархлар асосида бозорни текшириш учун маълумотлар келтирилган.

Фикримизча, ахборот маҳсулотлари нархини қуйидаги функция кўринишида тақдим этиш мумкин:

$$P = F(S_i; U_i; CX(d_i, X_i); R_e; T_a), \quad (7)$$

бу ерда  $P$ – ахборот маҳсулотлари ва хизматлари нархи;  $S_i$ –  $i$ -чи ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг сифат кўрсаткичлари вектори;  $S_i \in [1, m]$  –  $m$ –баҳоланувчи АМХнинг кўриб чиқиладиган ўрибосарлари миқдори;  $U_i$ –  $i$ -чи АМХнинг бозордаги улуши;  $CX(d_i, X_i)$  – компания харажатлари функцияси, харажатни дисконтлаш коэффицентлари ва ишлаб чиқариш харажатлари;  $R_e$ – АМХ рентабеллиги;  $T_a$  – талаб параметрлари (АМХнинг кутиладиган сотув миқдори, истеъмолчилар учун нархнинг юқори ва қуйи чегараси).


Шу тарзда рентабеллик ( $R_e$ ) максимумга интилиши учун нархни топиш лозим. Нарх( $P_i$ ) мавжуд бозор нархлари массивидан олинади.

Бу модель қуйидагича ифодаланади:

$$\sum_{i=1}^z (T_i - \{[A_i + B_i(M_i)]X(M_i) + W_i(n_i, M_i)\}) \rightarrow \max \quad (8)$$

$$R_e = \frac{\sum_{i=1}^z T_i}{\sum_{i=1}^z \{[A_i + B_i(M_i)]X(M_i) + W_i(n_i, M_i)\}} \rightarrow \max \quad (9)$$

бунда:  $Z_i$  – босқичлар сони;  $A_i$ – доимий харажатлар;  $B_i$  – ахборот маҳсулотлари яратувчи миқдорга боғлиқ ўзгарувчан харажатлар;  $X$  – маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган АМХ миқдори;  $M_i$  – ахборот маҳсулотлари сони;  $P_i$ –АМХ нархи;  $T_i$  –  $i$ -босқичдаги талаб.



3-расм. AMX таянч нархини шакллантиришнинг алгоритми<sup>17</sup>

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси

Яратиш қиймати қуйидаги модел бўйича аниқланади:

$$S_i(M) = (A_i + B_i(M)) * X(M) \quad (10)$$

бунда:  $X(M)=0$ , агар  $(A_i + B_i(M) - W_i(n_i, M_i)) > 0$ ,

$X(M)=1$ , агар  $(A_i + B_i(M) - W_i(n_i, M_i)) < 0$ .

Харид қиймати қуйидаги модель ёрдамида аниқланади:

$$S_b = W_i(n_i, M_i) \quad (11)$$

Тескари йўналишда.

$$F_k(n) = \max \left( \sum_{i=k}^z T_i - \{[A_i + B_i(M_i)] * X(M_i) + W_i(n_i, M_i)\} \right) \quad (12)$$

$$F_z(n) = \max(T_z - \{[A_z + B_z(M) * X(M) + W_z(n, M)]\}), \quad (13)$$

бу ерда:  $T_z = T_z(n)$  қиймат бўлиб, унда  $N$  – босқичда даромаднинг катгароқ қийматига эришилади. Натижада ҳар бир босқич бошланишида  $T_1, T_2, \dots, T_N$  даромаднинг оптимал қийматини оламин. Харажатнинг оптимал қиймати  $S_{min} = F(p_1)$ .

Юқоридаги моделлар асосида АМХнинг нархи бўйича белгилаш бўйича ҳисоб-китобларни автоматлашган асосда амалга ошириш учун тадқиқоти-мизда “Оптима” дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган. Унда оптимал нарх-нинг “сифат-харажат” омиллари асосида ҳамда рақобатдош АМХ, истеъмол-чи ва компания нуқтаи назаридан нарх шакллантириш жараёнлари қамраб олинган. Ушбу дастурий маҳсулот воситасида нархни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар автоматлаштирилган бўлиб, бу қулай ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда нархларни таҳлил қилиш имкониятини беради.


Таклиф этилаётган эконометрик моделлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, АМХ нархини шакллантиришнинг бозор амалиётида қўллани-ладиган учта асосий моделга асосланиши мумкин, яъни булар харажат асосида нархни шакллантириш, талаб асосидаги ва рақобатчи нархлар асосидаги моделлардир. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги фақат бир-бирини тўлдиришдагина эмас, балки мураккаб бозор шароитларида нархни оптимал белгилаш имконини беради.

